

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙOSИЙ-ИЖТИМОЙ ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 октябрь кунин Оқсаройда Европа Иттифоқи (ЕИ) Вазирлар Кенгашининг амалдаги раиси, Бельгия Бош вазирининг ўринбосари ва ташқи ишлар вазири Луи Мишелни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ташриф Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам эканлигини таъкидлади.

Маълумки, 19 октябрь кунин Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар раҳбарлари баёнот қабул қилиб, Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликка устуворлик мақоми беришга қарор қилганини билдирган эди. Ислам Каримов бу қарорни минтақа давлатларини авваломбор сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, деб билишни таъкидлади ва ЕИ раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ЕИ билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Иттифок ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатиб



келмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз раҳнақи учун ЕИ давлатларининг сиёсий, иқтисодий салоҳияти, технология ва сармоя киритиш борасидаги имкониятлари гоёт муҳим. 1999 йилнинг 1 июлида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги би-

тимнинг ратификация жараёни низоҳасига етди ва шу кундан эътиборан ҳужжат кучга кирди. У сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожини катта имкониятлар эшигини очиб берди.

Европа Иттифоқи билан

ҳамкорлик халқаро муаммоларга муносабатлар муштараклиги тўғрисида ҳам раҳнақимизда амалга оширилаётган аксилтеррор операциясини қўллаб-қувватлайди, минтақада гиёҳванд моддалар оқимида чек қўйиш мақсадида «ЕИ-Ўзбекистон: нар-

котикларга қарши кураш борасида сый-ҳаракатлар дастурини қабул қилган. Шунингдек, Иттифок аъзолари Марказий Осиёдаги барқарорликни Фарбий Европа хавфсизлигининг муҳим омили, деб билади. Наркобизнес, халқаро террорчилик, диний экстремизм,

курол-яроғ контрабандаси ва ноқонуний муҳожирлик каби муаммоларнинг олдин олишга минтақа мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Айни пайтда қурғоқчилик асоратларини бартараф этиш ва Оролбўйида сув тақчиллиги муаммоси таъсирини енгилаштириш борасидаги ҳамкорлик кўлами кенгайган. Бунда асосан сув тозалаш қурилмалари, насослар харид қилиш, сув этиб бориши қўйин бўлган ерларни оби-ҳаёт билан таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги асосан сув тозалаш қурилмалари, насослар харид қилиш, сув этиб бориши қўйин бўлган ерларни оби-ҳаёт билан таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

■ **(ЎЗА)** Суратларда: қабул пайти.
■ **Муҳаммад АМИН (ЎЗА)** олган суратлар

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бугун Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганлигига 10 йил тўлади.

ХДПнинг барча аъзоларини, фаолларини ва партиямизнинг сиёсати ҳамда амалий ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи юрtdошларимизни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган кунининг 10 йиллиги билан самимий табриклаймиз.

Сизларга, азиз дўстлар, Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги сый-ҳаракатларингизда янги зафарлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ **МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

ЭЪТИҚОД

Ўн йиллик яшайди мустақил Ватан,

Ўн йиллик улғаяр баркамол авлод.

Бу Ватан кўйида яйраб жон ва тан,

Дилларга ҳамоҳанг улғу эътиқод.

Қандай бахт — қуйласанг эркин ва озод,

Ўзингизки эрур ҳар бир шонли саф.

Энг юксак орзулар бўлдоки қанот,

Тонг пайти булбуллар ўқиса шараф.

Юлдузлар сен учун соҳсин нуриши,

Сенга ҳавас қилар бу ёруғ жаҳон.

Ватан учун берил қалбинг кўрини,

Элим деб, юртим деб яшасин ишон.

Десаллар: ким учун асли бу жаҳон,

Шукур айтурсанми ўтган ҳар онга?

Дейман: Ўзбекистон — Ватан эгонажон,

Мен хизмат қилурман Ўзбекистонга.

■ **Анвар ТОҒАЕВ,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим истеъмол товарлари нархларининг сунъий ошириб юборилишига йўл қўймаслик, шунингдек, уларни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилансинки, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб четдан келтирилмаган ва республикада ишлаб чиқариладиган ун, ўсимлик ёғи ва қанд-шаркани сотиш фақат юридик шахслар томонидан шартномавий нархлар бўйича, воситачилар сонидан қатъи назар, кўпи билан 25 физик миқдорда белгиланмаган чекланган савдо устамаси қўлланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополии

(Давом 2-бетда)

ХРОНИКА

САФ КЕНГАЙДИ

АҚШнинг Афғонистондаги аксилтеррорчилик ҳарбий ҳаракатининг янги босқинида иштирок этиш истигадиги давлатлар сафи кенгаймоқда. Маълумки, Афғонистондаги пьёда қўшиллар жанги борасида АҚШ билан биринчи бўлиб Буюк Британия музокара бошлаганди. Келишувга кўра, Британиянинг айрим ҳарбий қисмлари мамлакатта киритиш тайёргарлигида Форс кўрфазига қолдирилди. Шундан сўнг ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этиш борасида АҚШ билан музокара юрлатётган давлатлар сафи Германия ва Франция ҳисобига кенгайди. АҚШ билан музокара юрлатётган ҳар бир мамлакат ушбу ҳарбий ҳаракатга ўзининг амалий кўмагини тақлиф этди. Айниқса, қилки жанг усулларига мослашган Франция махсус гуруҳи вакилларидан фойдаланиш яқин ҳафтада тўхталиб ўтилади.

Яқинда ҳарбий кўмак бериш мақсадидаги давлатлар Япония ҳисобига яна орди. Диктатлиги шундаки, шу мақсадда Япония конституциясига ўзгартиришлар киритиш лозим бўлган. Конституцияда армияни сақлаш ва мамлакатдан ташқаридан уруш олиб бориш таъқиқланган эди. Шунингдек, Япония конституциясига терроризм ҳавфидан сақланиш чора-тадбирлари билан боғлиқ бир неча ўзгартиришлар киритилган. Япон ҳарбийлари янги мандатга кўра, АҚШ ҳарбийлариини турли усқуналар ва ўқ-дори, ёнигли билан таъминлаш ҳуқуқига эгадлар.

Пентагон Япониянинг энг замонавий усқуналар билан таъминланган «Айжис» ҳарбий крейсериини Ҳинд океанидаги Диего Гарсия оролчаси томон йўл олишига қарши эмас. Ушбу крейсер 360 градус кенгликда душманнинг яқинлашиб келаётган қучлари ҳақида ахборот бериш имкониятига эга. Шунингдек, ўқ-дори таъминоти учун «С-130» ва «С-1» самолётлари ҳам ишлатилиши мумкин.

Ушбу маълумотлар АҚШнинг Афғонистон ҳудудида ўз ҳарбий базасини очиб ҳақидаги хабарнинг тез орада амалга ошиши мумкинлигини тасдиқлайди. Ҳаво зарбаларининг кўпроқ толибларнинг шимолӣ қўшинлар билан чегарадош олдинги марралари бўйлаб уюштирилибгани ҳам шундан дарак беради.

Ҳабарларга кўра, толибларнинг ҳаво ҳужумларини қайтарилган қуроллари; зенит қурилмалари, асосан яқсон қилинган. Кеча эса, айнан бин Лодин жойлашган ҳудуд сифатида тахмин қилинаётган «Ал-Қайда» гуруҳи позициялари бомбардимон қилинди.

ТИНЧЛИКНИ АСРАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

Халқаро терроризм деганда бир киши ёки уюшган бир неча кишининг халқаро ҳимоядаги шахслар, ташкилотлар ёки объектларга зуравонлик ҳаракатларини содир этиш тўғрисида тўғри.

Биз эркин ҳаёт ва мустақилликни мустаҳкамлаш учун собит қадам ташлаётган миллат сифатида халқаро терроризмнинг нималигини, унинг одамзот бошига қандай қулфалар келтиришини яқин биламиз.

Терроризм учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. У ўлимдан лаззатланади, қон ҳидидан сархуш бўлади. Америкадек буюк давлатнинг айнан кўпуровчилик ҳаракатлари қурбони бўлган минглаб фуқаролари, мамлакат рамзига айланган ёрқин намуналардир.

Республикамиз тиббий муассасалари учун боғлаш воситалари ҳамда жарроҳлик доқа салфеткалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг очилиши билан вилоятда 500 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди. Шу билан бирга Сирдарё вилояти ва Гулистон шаҳри экспортроп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Сарбонтекс» корхонаси Испаниянинг «Banco Santander Central Hispano S.A.» томонидан ажратилган кредит ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Уфармсаноеат» давлат-акциядорлик концернига қарши «Сарбонтекс» ҳиссалорлик ишлаб чиқариш савдо-тижорат жамиятининг 11 миллион 340 минг еврога тенг маблағлари ҳисобига барпо этилди.

■ **Рейимбой ЙЎЛДОШЕВ,** тadbirkor, Беруний тумани

осмонўпар иморатларнинг қули бир зундаёқ қўққа совурилгани ҳам бизни кўп нарсадан огоҳ этади.

Терроризмга қарши курашда қўлга қурул олишга шай давлатлардан ташқари юзга яқин давлат инсоният қушандиси, XXI аср вабосини ер юзидан сугуриб ташлаш кераклигини, бу йўлда АҚШ тўғри йўл тутаётганлигини баён этди.

Дунёдаги етакчи давлатлар, энг аввало Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия терроризмининг тағомлари билан йўқотиш, ер юзининг турли ҳудудларида бундай қучларни пинҳона қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурул-яроғ, номақбул мафкура билан таъминлаётган, кўпуровчилик ва бузғунчилик ҳара-

катларига рағбатлантирган ғараз ниятли марказларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Айтиш мумкинки, бу адолатли кураш бўлади, чунки ер юзида терроризмдан жабр кўрмаган давлатнинг ўзи йўқ.

Маълумки, шу кўнларда Америка Қўшма Штатлари томонидан Афғонистон ҳудудидаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилиш мақсадида бошланган амалий ҳаракатлар бугун жаҳон аҳлининг диққат марказида турибди.

Президентимиз Афғонистон теварағида бўлаётган воқеалар муносабати билан берган Баёнотида бир фикрни алоҳида таъкидлади: «...Биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланб бораётган муҳаддус таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида шу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, кўдратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?».

Тинчликни таъминлаш фақат чегарачи ёки миллия ҳодимларининг ёинки хавфсизлик идораларининг иши эмас, балки юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак. Эеро, тинчлик, осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий зарурийдир.

Кўрқитиш, дўқ-пўлиса қилиш, ҳар хил фитналар уюштириш — террорчиларнинг қуролдир. Лекин одамнинг ҳақру газабини кўзгайдиган жойи шундаки, қўли қон бу жиноятчи кимсаларнинг муқаддас динимиз номидан гагирлишига нима ҳаққи бор? Уларнинг ўз бузғунчи гоялари билан фарзандларимизни ёмон йўллarga бошлашига, ўз ота-онаси, халқи, Ватанига душман қилиб қўйишига томошабин бўлиб қараб турашимиз? Йўқ, асло! Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор, бинобарин, уларнинг ислом оламига, мусулмон дунёсига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳаммамиз яқин биламизки, Қурьонни Қаримда биронинг қонини ноҳақ тўши гуноҳи-азим дейилган. Табиийки, халқ бошига

мислсиз Ғожа солган террорчилар ўз жазосини олади.

Ўзбек халқи тинч яшашни, қўлаган манзилларига тинч-омон етиб боришни истади. Ҳаммамизнинг кўнглимизда битта савол, биз фуқаролар терроризмга қарши қандай кураш олиб боришимиз керак? Кўчаларга чиқиб, турли миш-мишларга берилиб, қўлда қурул билан терроризмга қарши кураш олиб бориш шарт эмас. Узаро аҳил ва яқдил бўлсак, сиёсий ҳушёрликни оширсак, ҳар биримиз ўз иш жойимизда ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилсак, шунинг ўзи кифоя. Тинчликни асраш — келажак авлод олдидиги муқаддас бурчимиздир!

■ **Ҳусайн САБИРОВ,** Кўнот туманлараро прокурори

Болаларни эркалармикин?

— Мен террорчиларни ёмон кўраман. Улар яхшилик қилишни билмайди. Улар ҳам болаларни эркалармикин? Террор миллат ҳақ, ёш ҳам танламаслигини биз болалар ҳам англаб етдик. Бугун бир мамлакатларнинг, дунёнинг тинчлигини бузмоқчи бўлаётган ёмон одамларни йўқ қилиш керак.

■ **Одилбек АБДУЛЛАЕВ,** ўқувчи, Тўрткўл тумани

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»: ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА БЕХАТАР!

Кузги-қишки жадвал бўйича

Маълумки, 28 октябрдан бошлаб, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кемалари парвозларни кузги-қишки жадвал бўйича бажара бошлади. Унинг узига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Ўзбек миллий авиакомпанияси дирекцияси Тижорат бошқармасининг жадваллар бўлими бошлиғи Вадим Бунин таъкидлаганидек, 11 сентябрдаги фожияли воқеалар ҳаво флотига йўловчилар ва қурул ташқи даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бундан мустасно эмас. Гарчи, Тошкентдан МДХ мамлакатларига бажарилаётган барча йўналишларда йўловчилар сонини аввалги даражада сақлашни қўриб бўлса-да, халқаро катновларда эса камайиш рўй берди. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда кузги-қишки даврга мўлжалланган жадвал тузиб чиқилди.

— Шунини алоҳида қайд этиш ке-

раки, — деб таъкидлади суҳбатдошимиз, — авиакомпания йўналишларни бекор қилгани йўқ, балки баъзи йўналишларда парвозлар частотасини камайтирди холос.

— Баъзи оммавий ахборот воситаларида Афғонистондаги воқеалар боис Ўзбекистонга сайёх, тижоратчи сифатида учиб келиш ёки мамлакатимиз орқали Жануби-Шарқий Осиё ва Узок Шарққа бориш гўёки беҳатар эмас, деган хабарлар пайдо бўлди, — мавзунини давом эттиради Тижорат бошқармасининг ЖШО ва УШ гуруҳи раҳбари Анатолий Кўшнарёв. — Шу муносабат билан қўйидагиларни маълум қилишим мумкин: «Миллий авиакомпания томонидан ҳаво кемалари ва йўловчилар хавфсизли-

гини таъминлаш бўйича барча чоралар кўрилган. Эндиликда Амритсар, Деҳли, Бангкок ва Куала-Лумпурга халқаро рейслар Афғонистон ҳудудини четлаб ўтган ҳолда Хитой ва Хиндустон орқали амалга оширилмоқда. Тўғри йўналиш узайди, парвоз вақти 45 дақиқага ошди. Лекин авиакомпания мазкур харажатларни ягона мақсадни қўлаб, яъни фуқаро ҳаво кемалари парвозларига бирон-бир таъсир бўлишига йўл қўймаслик учун амалга оширди. Дарвоқе, катновларни бажариш Фароба ишлаб чиқарилган техникага ўтказилди. Зеро, «А-310» ва «Боинг-757/767» ҳаво кемалари чет объектнинг хатари яқинлашуви ҳақида экилжаҳини бохабар этувчи махсус асбоб-

усқуналарга эга».

Мамлакатимиз пойтахтининг марказий ҳаво дарвозаси олдидиги фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда аэровокзал мажмуида қайта таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Ўзбекистоннинг бошқа халқаро аэропортлари — «Бухоро», «Самарқанд», «Урганч» ва «Термиз» ҳам ишлармоқда. Яқинда эса учинчи йўлқасини қайта таъмирлаш ишлари якунланган. Навоийга ҳам парвозлар бошлаб юборилди.

Ҳаво алоқалари бош агентлигида ноябрь ойида бўладиган навбатдаги тадбирларга қизгин ҳозирлик қурилмоқда. Маълумки йилда икки марта Симферополдан балкичиларнинг катта гуруҳи Тошкент ва Куала-Лумпур орқали Янги Зеландиянинг олис Крайсчерч оролига етказиб қўйлади.

— 1 декабрдан бошлаб, — дейди ХАБА директориининг ўринбосари

ри Владимир Филипас, — «Бангкок дастурини ҳам бажаришга киришилди. Мана шу даврда жаҳоннинг қўллаб мамлакатларидан сайёҳлар Янги йилни қаршилаш учун Таиландга отланадилар. Хозирдаёқ Париж, Франкфурт, Киев, Москва, Санкт-Петербург, Ростов, Красноярск, Екатеринбург, Қозон, Уфа, Тюмендан буюртмалар келиб тушди. Декабрь-январ ойларида 36 та катнови бажариш мўлжалланган. Айтиш керакки, шундан 24 таси қўшимча қатнов ҳисобланади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида парвоз этиш манфаатли ва қулай. Энг муҳими беҳатардир!

■ **Алишер РЎЗИЕВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН
ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО
ҚИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давом. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

савдо корхоналари томонидан кундалик эҳтиёж истеъмол товарларига нархларни шакллантиришнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин; кундалик эҳтиёж истеъмол товарлари нархларининг асосийз равишда ошириб юборилишига уринишларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин, қонун бузувчиларга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий жазо чораларини қўлласин;

3. 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтириладиган ўсимлик ёғига ақдиз солиғи ставкалари унинг божхона қийматининг 10 фоизи миқдориди;

республика ҳудудига жисмоний шахслар («ўзлари қатнаб олиб келади» томонидан келтириладиган тижорат фаолияти учун мўлжалланган озиқ-овқат товарларидан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ташқарисидан жисмоний шахслар номига келадиган товарлардан (ҳалқаро почта хўжалиқларидан ташқари) олинмаган йиғим ставкалари, бож тўловисиз келтиришни чекланган нормасини қўлласин; уларнинг божхона қийматининг 25 фоизи миқдорига белгилансин;

республика ҳудудига жисмоний шахслар («ўзлари қатнаб олиб келади» томонидан тижорат мақсадларида бож тўло-

висиз келтиришни белгиланган нормаси доирасида 1000 АҚШ долларигача миқдорда келтириладиган уни божхонада расмийлаштириш божхона тўловлари ундирмасдан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар: республика ҳудудига жисмоний шахслар («ўзлари қатнаб олиб келади» томонидан келтириладиган тижорат фаолияти учун мўлжалланган озиқ-овқат товарлардан олинмаган йиғим ставкаси амалдаги миқдорда — бож тўловисиз келтиришни чекланган нормасини қўлласин; уларнинг божхона қийматининг 50 фоизи миқдориди ва уни ундирш тартиби сақлаб қолинсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан келтириладиган тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлардан олинмаган йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Импортни тарифлар билан бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 80-сон қарорига белгиланган амалдаги миқдорларда ва уни ундирш тартиби сақлаб қолинсин.

5. «Ўзюймакисаноат» уюшмаси ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ҳўжалиқлар ресурсларидан ишлаб чиқарилган ва белгиланган тартибда уларга қайтарилмаган ўсимлик (пахта) ёғини ушбу ҳўжалиқларнинг топширигига биноан ёки ишончномалари бўйича бож ҳўжалиқ юритувчи

субъектларга сотилиши тақиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки: ўсимлик (пахта) ёғининг тузилган шартномаларга мувофиқ ҳўжалиқлар томонидан сотиб олинмаган миқдори ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади;

ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳўжалиқлар ресурсларидан ишлаб чиқарилган ўсимлик (пахта) ёғини мазкур ҳўжалиқларнинг топширигига биноан ёки ишончномаси бўйича бож ҳўжалиқ юритувчи субъектларга сотишдан олинган тушуми давлат солиқ органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат бюджетига ундирилади, мансабдор шахсларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилади.


6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси кундалик эҳтиёж истеъмол товарларининг республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш кетилиши ҳолларининг олдини олишни таъминловчи божхона назоратини кучайтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир hafta мuddатда идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.Усмонов ва Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 31 октябрь



Жилжалар борки, йил ўн икки ой бир маромада оқади. Жилгалар борки, табиат фашларига қараб қўлайми-қамаяди. Назаримда, пойтахтимизнинг шуҳуд қилини — Қўйрой туманининг Салор қўрғонига жойлашган «Роҳат» салқин ичимликлар корхонасининг мустақиллик йилларидаги бир маромада фаолияти юқоридagi фикрларини ёдга туширади.

Ёзинг жазирасида тугаб, қиш эски қарқетдан айни кезларда ҳам ушбу жамоннинг биргина лимонд чехида кунга 2000 ашиқ ошиқ маҳсулот тайёрланадими. Бундан ташқари яна тўрт-беш шик — «КЧВ», «Роҳат», «Малик», «Қола» каби ҳушмат ичимликлар истеъмолчиларга манзур бўлмақда.

— Шу ерда меҳнат қилаётганимиз 27 йил бўлган бўлса, бир ҳақиқатни англадим: миқозлар қўлга йўл топиш «Роҳат» бўлиб шаклланишига олиб келди, — дейди корхона лабораториясини бошлиғи Мавлуда Ҳожимуродова. — Маҳсулотимизга талаб ва эҳтиёж ошаётганлигига узок-узок ҳудудлардан келишувдан миқозларимиз мисол.

Корхонада тайёрланаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифатига бўлимизда ишловатан 12 нафар лаборант масъул. Улар чиқётган ҳар бир маҳсулотнинг ҳақиқатда белгиланган аралашмалари ўз ўрнида, миқдорда кетма-кетлигини қаттиқ назорат қилишади. Шу боисдан бўлса керак, маҳсулотларимиз миқозларимизга мақбул.

— Уятётган йил Президентимиз томонидан «Онлар ва болалар йили», деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан жамомаси иш жорёида янгилик яратди, — дейди корхона бош директори Бобир Алимов. — Ҳалқаро болалар кўни — 1 июндан бошлаб йодланган маънавий шифобахш сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу маънавий сув онлар ва ёш болалардаги бўққ касаллигининг олдини олади. Ниятимиз, ушбу маҳсулотдан янада кўп миқдорда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Мазкуржон ҚЎЙОВ

Суратларда: 1. Германиянинг «Кронес» ва «Зальц» фирмаларида ишлаб чиқарилган ушбу ускуналар яхши ичимликлар қўйиш чехида ёрлик яшиштиришни ўзи сифатли бажаради. 2. Қўйиш чехи илгор ишчиси Дилдора Мирзаалиева қўнлик режанги ортиги билан уддалайди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб, валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйдаги қийматини белгилади.* /

1 Австралия доллари	343,85	1 БАА дирхами	185,41
1 Австрия шиллинги	44,90	1 АҚШ доллари	680,90
1 Англия фунт стерлинги	989,76	1 Миср фунти	160,59
1 Бельгия франки	153,14	10 Испания песети	37,13
1 Голландия гульдени	280,34	100 Италия лираси	31,91
1 Греция драхмаси	18,14	1 Канада доллари	431,44
1 Дания кронаси	83,02	1 Ҳитой юани	82,27

10 Люксембург франки	153,14	1 Франция франки	94,18
1 Малайзия ринггити	179,21	1 Швейцария франки	420,13
1 Германия маркиси	315,87	1 ЕВРО	617,78
1 Польша злотиски	165,89	10 Жанубий Корея вони	5,29
1 СДР	870,79	10 Япония менаси	55,88
1000 Туркия лираси	0,43	1 Россия рубли	22,93
1 Финляндия маркиси	103,90	1 Украина гривнаси	128,61

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўтган йилнинг 8 январида «Олмос»да кишини сесканти-
радиган хабар тарқалди: Отажонов Хусан деган ёшгина
йигитни ўлдириб, қувурга текиб кетишибди, жасаднинг
боши дастурхонга ўралган экан...

Узоқ давом этган тергов ишлари тугаб, роппа-роса бир йилдан сўнг Мингбулоқ туман суди бу вақий қотилликда шу қишлоқлик 20 ёшли Бунёд исмли йигитни айбоб, ҳукм чиқарди.

Шуниси ажабланарлики, ҳукмдан ҳаммадан кўп марҳумнинг ота-онаси норози бўлди. Тақриятга мувожаат қилганлар ҳам марҳум Отажонов Хусаннинг ота-онаси Р. Отажонов ва А. Отажоновлар эди.

Уларнинг эътирозига сабаб бўлган талай сабаблар бор экан...

Қотиллик содир бўлган 7 январь кўни ўғиллари Хусан қалдасро ҳужжатлари солинган ҳелдон халтачани олиб чиқиб кетган қўйи йўлга қайтиб келмаган... Тергов ва суддаги қотиллик тафсилоти қуйидагича: 7 январь шомида Бунёднинг уйига Хусан қачириб боради. Унинг устида кўк трико ва эғнида энги қалта футболка бўлган. Бунёд ўзининг қўртқасини унга олиб чиқиб беради-да, иккови биргалашиб жўнайди. Бироздан сўнг улар ажриқа ўтиради. Хусан қўлидаги 1 та вино, озгина қолбаса, 2 та нон ва пиёз солинган дастурхонни очди. Бунёд қолбасалдан татиб қўради. Хусан винони ичди. У-бу жойларга бориб келингандан сўнг улар соат 22 ларда тегиримоннинг олдида чўққалашди. Бироздан кейин Хусан Бунёдни тегиримонга ўйирликка тушсан, деб мажбурлайди. Бунёд унамагандан сўнг улар ўртасида келишмовчилик

қиқди. Шайхали қўчасидаги иккинчи сув тортиш иншооти олдида келганда қўлга болта олиб, унга ташланади. Бунёд қўли билан ўзини тўсганида болтанинг соли қўлига тегиб, болта ерга тушиб кетади. Ерга тушган болтани Бунёд қўлига олиб, Хусаннинг бошига 3-4 марта тўширади. Кейин қонга беланган бошини дастурхонга ўраб, хушсиз танани кўтарди-да Чўст — Олмос қатта автомобиль йўлидаги ариқа қўйилган 600 мм лиқ бетон қувур олдида олиб боради. Қувурга жасадни текишдан олдин қўртқасини устидан ечиб олади. Сўнг қувурдаги жасад устига ўт ва ажриқ ташлайди. Қон томган жойларни болта билан қириб олиб, тўроғини шўлғорга сочиб юборади. Шу орала болтани ҳам тўзалашни унутмайди. Лекин болтани воқеа жойида унутиб қолдиради. Шундан кейин қотил Олмосойига келади ва қон билан қўлини, қўртқасини ҳамда қўллариини ювиб, уйига кетади.

Авалло, воқеа тафсилотида айтаётган Хусаннинг қўлидаги дастурхон қаердан пайдо бўлиб қолди, ажабланишди ота-оналар. Уйдаги дастурхон бўлса танирилар. Ким унга дастурхон бериши мумкин? Қўлидаги болта қаердан пайдо бўлди? Агар Хусан уни уйдан олган, деб ўйлашаётган бўлишса, суд загида қотиллик қуроли, дея қўртқасини соғида ипи бор болтага

ўхшаш болта ҳозир ҳам ошхона деворидида осилгик турибди. Дастурхон эса, уларнинг фикрича, қотил ким бўлса ўшанинг уйидан чиққан...

Бундан ташқари, Хусан уйдан ўша кўни оқ шим, ичидан трико, футболка, устидан қўйлак ва қўртқа кийиб чиқиб кетган. Қотиллик тафсилотида эса у гўёки Бунёдникига трико ва энги қалта футболкада борган эмши. Қиш ойда, яна шом вақтида бундай юпун кийиниб юриш мантиқан ҳам мумкин эмас-ку. Углининг кийимлари қаёққа кетди? Бунёд қотил бўлганда ҳеч бўлмаса эғнидаги кийимларни тўри айтган бўларди. Ҳимоячи О. Сиддиқовнинг айтиши бўйича, ота-оналар айтган кийимлар ҳақида терговда ҳам, судда ҳам унчалик қизиқилмаган. Бу тушунарли деб ўйлаймиз: жасад қувурнинг ичидан трико ва футболкада топилган...

Р. Отажонов ва А. Отажоновлар тафсилотда айтилганидек, қотиллик бир киши томонидан амалга оширилганлигига ишонилмайди. Масалан, ҳусаниси Хусандан қачина Бунёднинг марҳум жасадини 300 метрча нарига, яъни қувурга бир ўзи қўтариб бориши ақлга сизмайди. У судраб борганда ҳам, албатта, судрашдан из ва қон доғларни қолган ёки унинг кийим-бошига сачраган бўлиши лозим эди. Ваҳоланки, бу ердан қон доғлари топилган, на бир из...

... Ҳимоячи О. Сиддиқовнинг таъкидлашича, Бунёднинг қотиллик жараянида ёки мурдани кўтарган ҳолатда қўртган бирор киши йўқ. Марҳумни Бунёд ўлдирган, деган гапни бирор гувоҳ ўз қўртқасида таъкидлаган эмас. «Дастлабки тергов материаларида далилий ашёлар — Б. Ҳўжаҳмедовнинг кийимида ёки далилий ашё деб олинган ҳолатларда марҳумнинг қон гуруҳи борлиги аниқланмаган».

«Мелисахонада Бунёднинг қўртқаси, — дейди марҳумнинг онаси Р. Отажонов. — У мен билан худди аввалгидек келиб сурашди. Ҳеч бир ҳижолат чекганини, ўзини четга олганлигини сезганим йўқ». Судланувчининг ота-онасининг айтиши бўйича ҳам «фалончини ўлдириб кетибди», деган совуқ хабар тарқалгандан кейин Бунёднинг ҳаракатларида ҳеч қандай ўзгариш йўқлигида беэҳтиётлик ёки асабийлашиш бўлмаган. Ҳаттоки у марҳумнинг хонадонига ҳам бориб юрган экан. Бунёд қотилликда шўхаланиб ушлангунча, унда шўхба ўйғотадиган бирор-бир ҳаракат ёки ўзгариш биз сезганимиз йўқ, дейди судланувчининг ота-оналари. «У 23 февралда гумонланиб ушланди. Бунгача бир неча киши гумон қилиниб ушланган эди, — дейди судланувчининг ота-онаси Т. Ҳўжаҳмедов. — 14 март кўни Бунёднинг қўйвориши ва у мен билан Қашқадарёга деҳқончилик қилиш учун бирга жўнади. Уша пайтда ҳам мен ота сифатида унда бирор шўхбали ҳолатни

сезмадим. Икки ойдан кейин, яъни 7 июнь кўни яна уни мелисарлар олиб кетишди».

Болта воқеасини тўқиб-бичилган ҳисоблашда Отажоновлар, у билан боғлаш мурда топилган жойда болта топилган йўқлиги учун керак бўлган бўлса, иккинчи томондан бошқа бир сабаби ҳам бор, дейди ота-оналар. «23 январь кўни ўғлим қўлини ромга уриб жароҳат олган экан. У ўша кўни «Олмос» шифохонасига борган-да 3. Темирова деган ҳамшира қўлини бойлаб журналга қайд қилиб қўйган. «Хусан болта билан Бунёднинг ураётганда қўли билан Ҳимоя қилганда болтанинг соли

сезмадим. Икки ойдан кейин, яъни 7 июнь кўни яна уни мелисарлар олиб кетишди».

Болта воқеасини тўқиб-бичилган ҳисоблашда Отажоновлар, у билан боғлаш мурда топилган жойда болта топилган йўқлиги учун керак бўлган бўлса, иккинчи томондан бошқа бир сабаби ҳам бор, дейди ота-оналар. «23 январь кўни ўғлим қўлини ромга уриб жароҳат олган экан. У ўша кўни «Олмос» шифохонасига борган-да 3. Темирова деган ҳамшира қўлини бойлаб журналга қайд қилиб қўйган. «Хусан болта билан Бунёднинг ураётганда қўли билан Ҳимоя қилганда болтанинг соли

қўлига теккан» деган терговдаги тафсилот шунинг учун атай уюштирилган, Бунёднинг 23 январдаги жароҳатини 7 январда кўчирмоқчи бўлишган. Мен журналда қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумотнома Чўст ИИБ бошлиғи М. Мамарасуловга олиб бериб берган эдим. У киши комиссияга берган эканлар. Лекин делода бу маълумотнома йўқ эмши, — дейди Т. Ҳўжаҳмедов. Журналнинг аввалгиси ҳам, кейингиси ҳам бор, айнан кераклиги эса йўқ экан, — дейди О. Сиддиқов. — Маълумотнома келса, Бундай маълумотнома иш варағида йўқ». Экспертиза ҳулосаси-

да марҳум текширилганда ундаги жароҳатлар ҳосил бўлиши ҳусусиятига қўра чопувчи, кесувчи буюм тигишдан ҳосил бўлган бўлиб, экспертизага тақдим қилинган болтадан ҳам шундай жароҳат етказилиши мумкин, дейилган. Экспертиза ҳулосаси, эътибор қилган бўлсангиз, айнан мана шу болта қотиллик қуроли бўлган, деган ҳулосани бераётгани йўқ. Қолаверса, унда судланувчи ёки марҳумнинг қон доғлари аниқланмаган, қўртқасини гиздек у қотиллик қуроли деб асослашга экспертиза ҳулосаси ҳам етарли асос бўлолмайди. Бизнинг назаримизда

уни қотиллик қуроли деб топилгани шунинг учун атай уюштирилган, Бунёднинг 23 январдаги жароҳатини 7 январда кўчирмоқчи бўлишган. Мен журналда қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумотнома Чўст ИИБ бошлиғи М. Мамарасуловга олиб бериб берган эдим. У киши комиссияга берган эканлар. Лекин делода бу маълумотнома йўқ эмши, — дейди Т. Ҳўжаҳмедов. Журналнинг аввалгиси ҳам, кейингиси ҳам бор, айнан кераклиги эса йўқ экан, — дейди О. Сиддиқов. — Маълумотнома келса, Бундай маълумотнома иш варағида йўқ». Экспертиза ҳулосаси-

Нукусдан 10 январда қайтган-лигини, унчаллиги ҳақида аниқ-биливлари борлигини таъкидлайди. Қўнлик, дейди марҳумнинг ҳамда судланувчининг ота-оналари, Бунёд ўзи танимаган, яна Чўстда яшовчи М. Сиддиқовни қаердан билар қолди? Унинг «Нексия» ҳам борлигини қимдан эшитибди экан? М. Сиддиқовни шерик қилиш, масалан, унга нима учун лозим — қизиқ-а? Бунёд яна бир қўртқасида М. Колоновни ҳам бу ишга алоқадор, деган эканки, марҳумнинг ота-оналари М. Колоновнинг онаси Т. Колонова ва онаси О. Колоновларнинг М. Колоновдан

INTER-SPORT

ПЛЕЙ-ОФФ БАХСЛАРИ

Маълумки, 2002 йил Япония ва Жанубий Корея майдонларида бўлиб ўтadigan жаҳон чемпионатининг саралаш бахслари авж палласига кирди. Осиё минтақасида эса дастлабки плей-офф учрашуви ўтказилди. Техрон шаҳрида Эрон терма жамоаси яримта йўлланма учун биринчи ўйинда Бирлашган Араб Амирликлари жамоасини қабул қилди. Кучли ёғин остида ўтган бу ўйинда эронликлар бор-йўғи ягона тўпни рақиб дарвозасига йўллаб, галабага эришди. Кеча ушбу жамоалар ўртасидаги иккинчи учрашув Абу-Дабида бўлиб ўтди. Голиб жамоа эса 11-15 ноябрь кунини Исландия терма командаси билан бутун йўлланма учун майдонга тушади.

Австрия терма жамоаси эса 7-группада иккинчи ўринини олиб, плей-оффга чиқиш учун Исроил майдонига тўп сурди. Ўйиннинг 56-дақиқасида исроиллик Гершон пенальтидан ҳисобни очган бўлса, сўнгги дақиқаларда австриялик Андреас Херцог жарима тўпини дарвоза тўрига туширди. Шундай қилиб, австрияликлар 15 очко жамғариб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллашди. Энди улар ягона йўлланма учун Туркия жамоаси билан иккинчи ўйин ўтказишади.

ЕВРОПА МАЙДОНЛАРИДА

Италия биринчилигида кутилмаган воқеалар содир бўлмоқда. Эндигина «А» сериясига чиққан «Кьево» жамоаси 19 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Милан»да 16, «Интер»да эса 15 очко бор. 2000 йилги мамлакат чемпиони «Лацио» эса 8 очко билан 13-ўринда бормоқда.

Испанияда эса «Депортиво» пешқадамлигини кўлга олди. Улар сўнгги турда «Райо Вальекано» клуби майдонига 1:2 ҳисобида ютказиб қўйишган бўлса-да, 20 очко билан олдинда. «Барселона» эса «Бетис»ни 3:0 ҳисобида енгиб, 19 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. «Сельта», «Валенсия» ва «Алавес»да 18 тадан очко бор. Таркибиди машҳур Зайнуддин Зидан, Луиш Фигу, Рауль Гонсалес, Роберто Карлос ўйнаётган Мадриднинг «Реал» жамоаси эса сўнгги турда «Вильярреал»ни 3:2 ҳисобида енгиб, 13 очко билан ўзини ўринга чиқиб олди.

Германия чемпионатида эса «Бавария» 28 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Жамоа 11-турда «Кёльн» майдонига тўп суриб, 2:0 ҳисобида галаба қозонди.

«Байер» эса «Мюнхен 1860» клуби майдонига 4:1 ҳисобида ютиб, 27 очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. «Кайзерслаутерн» «Шалке-04» билан ўз майдонига дуранг (0:0) ўйнаб, 25 очко билан учинчи ўринга тушиб қолди.

Англия чемпионатида ниҳоят «Астон Вилла» биринчи поғонага чиқиб олди.

Бу жамоа кейинги турда «Болтон»ни 3:2 ҳисобида доғда қолдириб, 21 очко жамғарди. «Лидс» «Манчестер Юнайтед» майдонига дуранг (1:1) ўйнаб, 20 очко тўплади. «Ливерпуль» «Чарльтон» майдонига 2:0 ҳисобида ютқуқа эришиб 19 очкога эга бўлди.

Россия Федерацияси биринчилиги эса яқунлашиб арафасида. Сўнгги турда Москванинг «Спартак» жамоаси асосий таъкибчи «Зенит»ни ўз майдонига 3:1 ҳисобида доғда қолдириб, 59 очко билан пешқадамлигини мустаҳкамлади. «Зенит»да 53 очко бор. «Локомотив» эса «Ротор» майдонига 2:1 ҳисобида галабага эришиб, 52 очко жамғарди.

Францияда эса «Ланс» 27 очко билан олдинда бормоқда. Бу жамоа сўнгги турда «Рейн» майдонига 2:1 ҳисобида ютқуқа эришди. «Лилл» «Метц»дан 2:0 ҳисобида устун келиб, 26 очко тўплади. «Осер» эса машҳур «Олимпик»дан устун (2:0) келиб, 23 очко билан учинчи ўринга кўтарилди.

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидagi Тил ва адабиёт институти жамоаси академик Азим Хожиевга акаси Одил ХОЖИЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ихор этди.

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ФАЛСАФИЙ ТАДҚИҚОТ ТАЛҚИНИ

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида таниқли файласуф, академик Жондор Туленовнинг «Диалектика назарияси» номли янги монографияси нашр этилди. Кўп бобдан иборат бўлган мазкур асарда диалектика таълимотининг ривожланиш тарихи, унинг моҳияти, тараққиоти, оламни фалсафий аниқлашда диалектика қонуни ва тараққиотнинг аҳамияти, билиш жараёнининг диалектикаси, жамиятнинг илмий билиш ва илмий бошқаришда диалектика таълимотининг аҳамияти сингари жиддий муаммолар чуқур ёритиб берилган.

Монографияда диалектика фалсафа шаклланишидан бошлаб ривожланиб келаётган таълимот бўлиб, ўзининг икки ярим минг асрлик тарихига эга. Унинг ривожланишига барча халқларнинг мутафаккирлари ўз ҳиссаларини қўшган, деган ғоя илгари сурилган. Хусусан, қадимги Шарқ халқлари ва Ўрта Осиё олимлари — Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Беделининг диалектика ҳақидаги қарашлари, XVII-XVIII аср Фарбий Европа фалсафасидаги диалектик фикрлар, немис классик фалсафасининг диалектика таълимотини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, диалектика ҳақида ҳозирги замон фалсафасидаги қарашлар атрафолича ёритиб берилган. Шунга асосланиб асарда диалектика таълимотини марк்சча фалсафадаги диалектик материализм билан аниқлаштириш илмий жиҳатдан асоссиз эканлиги кўрсатилган.

Монографиянинг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда диалектикани шаклан мантик фикрлаш, шунингдек, метафизика, софистика, эклетика усулларидан фарқи ва афзаллиги очик-ойдин очилган. Агар шаклан мантик усули урганилаётган нарсани бир томонлама, бир вақтда, бир муносабатда, ҳаракатсиз ва зиддиятсиз ҳолда ёндашишни талаб этса, диалектика унга ҳар томонлама, узлуксиз ҳаракатда ва қарама-қаршиликлар билгиллиги ёндашишни талаб этади. Диалектика шаклан мантик фикрлашдан фарқи ўлароқ назарий фикрлаш усули ҳисобланади, дейилади монографияда.

Монографиянинг сўнгги бобларида ижтимоий тараққиёт диалектикасига оид масалалар устида фикр, мулоҳазалар юритилди. Унда жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва миллатлароро муносабатлар соҳасидаги диалектик жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, ижтимоий зиддиятлар ва уларни бартараф этиш шакллари баён этилди.

Монографияда ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб жамият тараққиётида содир бўлаётган зиддиятларнинг бартараф этишда қарама-қаршиликларни онгли равишда қўшиш йўли билан тараққиётга эришиш, шунингдек, қарама-қарши кучлар, томонлар ўртасидаги зиддиятларни консенсус, яъни ўзаро келишув, мулоқот орқали ҳал этиш йўллари ижодий ёритилган. Маънавий тараққиёт диалектикасига бағишланган охириги бобда маънавий, қадриятлар, маданият, миллий ғоя ва уларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти баён этилди. Унда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, мазъруза ва нутқларида мазкур масалалар бўйича билдирилган фикрларнинг назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек мазкур соҳаларда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ҳозирги вақтда ечимини қўтиб турган муаммолар ўз аксини топган.

■ О. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор М. АБДУЛЛАЕВА, фалсафа фанлари доктори, профессор

Уни билганлар турлича лутф айлашади: «Лутфулла ажойиб инсон. Хушмуомала, одамий». Очерк, лаъза, бадиъаю мақолаларида ҳам ўзига хос самимилик буй кўрсатиб туради. Табиийки, бундай кишидан ёмонлик чиқмас, ўзгаларга эса яхшиликни раво кўрувчи.

Яхшилик боғини яннатмоқ муддаоси бўлган ҳамкасбимизнинг ўз йўли бор. Яъни, тинч ва осойишта ҳаётимизга раҳна солётган, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган, эзгу ишларимизга халал бераётган, қай жабҳада бўлса-да, бузғунчилик қилаётган нуқсаларга, турфа шалатларга қарши бе-аъв курашаверади. Зеро, мактаб ёши қанчалик мароқли бўлса, танқид қилиш шунчалар «бемасъа»... Танқиднинг тоши оғир, у соҳо ҳаётни гаровга қўйишни тақозо этади. Қалба ҳақ гамида ижод қиладиган қаламкашига бундай ишга журъат этиши мумкин. Ана шу иштиёқ уни курашга чорлайди.

Уч йилча бурун «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига Самарқанд вилоятидан бир киши шикоят хати кўтариб келди. Маълум бўлишича, у олий маълумотли агроном бўла туриб, мансаб эмас, ер сўраб келган. Кучимни далада кўрсатмоқчиман, туманимиз раҳбарлари холислик билан олти гектар ерни сувлик жойдан беришса, ҳар йили олти миллион сўм соф фойда келтирмоқчиман, дейди. Афсуски, унга лалми ердан беришиб, қозғалари

ХАМКАСБЛАР

унмудор, серсув ер берилган қабилда ҳужжатлаштиришибди. Ваҳоланки, тегишли қарорларда фермер ҳўжаликларига имкон қадар қўлайликлар яратиш, унмудор ерлардан бериш зарурлиги қайд этилган...

«Гаввали» ишни ўз зиммасига олган Лутфулла Мама-солеев ўзига хос текширув ўтказди. У аввало ишни

боб бўлди. Кўтарилган мавзу туманларда ҳам атрофлича ўрганилиди.

Ҳақиқат қарор топди! Мансабини суиистеъмол қилганлар вазифасидан четлаштирилди. Мухтасар гап: иш жўнгина туюлаётган бўлса-да, бунинг ортида муҳбир изтироби беҳуда эмаслиги аён. «Бозорда лавозим сотилди...ми?», «Асабузларлик»,


рҳол пайқаб олиш мумкин. Муштарийлар Лутфулла Мама-солеев имзоси билан ёриштирилган мақолаларни орзиқиб кўтишади. Демак, унинг ўз ўқувчиси бор.

Ҳамкасбимиз қарийб ўттиз йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган. Умр пиллапоясидаё рақам эса ярим асрни кўрсатиб қўлибди. Сервейор Нурота тоғлари бағрида жойлашган Накурт қишлоғида улгайган Лутфулла бу кун ўз меҳнати, бетиним изланишлари ила орзулари камолот чўққисини забт этган. 1974 йили Алишер Навоий номи Самарқанд давлат дорилфунунининг филология факультетининг тамоғлашган, меҳнат фаолиятини қишлоқ ҳўжалик институтининг кўп нуқсали газетасида бошлади. Ушбу шаҳар газетасида тобланиди. Бир неча йил Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағфармасининг Самарқанд вилоят бўлими раиси ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган, танлов асосида «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоят муҳбири лавозимига тақлиф этилди. Шундан буён у отахон газетанинг эс-ҳуши ўғлини бўлиб хизмат қилаётган.

Жонкуяр, изланувчан, ҳақиқатпарвар, маърифатли ҳамкасбимиз ҳақида айтган гапимиз қўп. Уйлашимизки, минглаб қалбларни забт этгувчи холис сўзлари бисёр.

■ Тўлқин ЭШБЕК, Юнус ЗИЁДОВ

ХОЛИС ЛУТФ СОҲИБИ



амалда ҳал этиши, деҳқоннинг талабини қондиришга қўмақлашишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди. Сўнг «Газетада босилмаса ҳам...» рўқни остида бор гопни қисқа баён этишни лозим кўрди. Бу ҳам тезкорлик, оқиллик. Бонси, тадбиркор деҳқоннинг иши тезроқ амада битиши кўзланган.

Афсуски, айнан ўша ишда мутасаддилар гирромлик қилишган. Ўзларича муҳбирнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, деҳқонни таҳқирлашган... Лекин у буш келмади. Газетада «Раис зўри ё қону?» сарлавҳали фельетонининг босилиши шов-шўғга са-

«Ҳоким ўзгарди, иш эса...», «Осонликда обрў йўқ», «Қозининг дил рози», «Ўзбаздаги ёғду», «Чилласидан чиққан иш», «Маҳқул бозорга маъқул кўрилади», «Мактаб остонасидаги ҳасратлар» сингари қатор танқидий, таҳлилий мақолаларининг сарлавҳалариданоқ муаллиф қай мавзуга қўл урганиши да-

«5-САҲИФА»

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ...

Хотини туғруқхонада бўлгани учун Темир тафтишчи болаларига нонушта тайёрлашга эринди. Кеча кимдир келтириб берган нишолдан бир коса олиб дастурхонга қўйди. Нонни энди ушатганда, дарвоза тақиллади.

— Бир табриклай дедим-да қўшни, қизалоқ муборак, — деди қўшини Солиқ, — Илоҳо, умри билан берган бўлсин. Шу денг... Темир «раҳмат»ни ҳам унутиб, ишга шов-шўғ билан келин бир пилё қўйимиз бор, деганига ўзи пушаймон бўлди. Солиқ сўмсук эса алақачон қалишини ечганди. Улар уйга киришганда хонтахта усти қуруқ

эди. Тафтишчи бошқа хонага кириб, дастурхон ахтарди. Болалар бир меҳмонга, бир равоққа қараб қўйишар, Солиқ сўмсук эса дастурхон ёзилишини кутарди. Шунда болаларнинг тўнғичи тилга кирди:

— Тоға, сиз кетсангиз нишолда ердик... Солиқ сўмсук умрида биринчи бор кирган еридан қуруқ чиқиб кетди. Тафтишчи эса болаларининг талашиб нишолда ёйишидан завқланиб, келажакда улар оғиздаги ошини бировга бериб қўймаслигига иймон келтирган ҳолда чарм папкасини қўлтиқлаганича остонада турарди... ■ Даврон БАҲРОНОВ

ОРИЯТ

Эшик кўнгиروي жиринглайди. Болалар «Ойим ишдан келдилар!» деб чоғиб чиқишади. Бирок остонада уларнинг ойиси эмас, балки 50-55 ёшлар чамасидаги бир киши 13-14 яшар ўғилча билан, қўлида англина хассани ўйнаб турарди. Бегона одам қизчаларнинг саломига алик олган, уларнинг каттароғига қараб мурожаат қиладди:

— Қизим, сиз мен ҳақимда бошқача хаблға борманг. Гап шундаки, менинг ўнта болам бор. Рузгордан бироз қийна-

бўлди: — Кечирасиз, амаки. Сиз бизникига ўтган куниям келувдингизку! Қандай қилиб одамлар сизга қайта-қайта пул беришлари мумкин? — Ие-ие, шунақами-а? Унда узр! «Дом»лар қурув, ҳаммаси бир-бирига ўхшайди-да! Адашибман. Халиги одам заррача хижолат чекмай, «Юр, ўғлим, бошқа «дом»га киримиз унда!» деганича кетди. Дераздан уларни кузатиб ёқамни ушлаб қолдим. Анави одам қўлидаги хассасини ўйнаб, ўғилча билан гурунглашиб, кайфияти чоғ ҳолда кетиб

хам бўлмайдди келин! Китобдай жойдан келдим. Хотиним касал, ўзим ҳам учинчи гуруҳ ногирониман. Мана, ишонмасангиз паспортимни кўринг.

Бейхитёр унинг ҳужжатини қўлимга олдим. Хасанов Эшпўлат. Туғилган йили — 1947 йил. Ростдан ҳам Қашқадарёнинг Китоб туманидан экан. Паспорт ичда бирин-кетин Хасанов ва Хасановлар ёзилган ўн кишилик рўйхат турибди.

— Амаки, болаларингизнинг каттаси неча ёшда ўзи? — Тўнғичим 32 да, ундан кейингиси 31 ёш, кейингиси 29 да. Ишқилиб энг кенжаси мана-ви ўғилча-да, келин!

— Бе, нималар депляси? Уларнинг ишлаб топган пуллари нимагаям етарди. Хаммаларининг аравасини ўзим сурайман келин!...

У билан ортиқ гаплашгим келмади. «Сизга берадиган ортиқча пул бизда йўқ?» деб сўхтаган нукта қўйиб қўя қолдим. Унинг жавобини ҳам кутмай, эшикни ёпдим.

Хали-хали ўша воқеани эсласам этларим уршади. Бир оилада тоғни уса талқон қўлгудек ўн жон. Лекин чамамда бу оиланинг меҳнатга тоби йўқ. Аммо ор-чи, ўғилчада ор бормикин?

Афсуски, ўзини «жабрдийда» қилиб кўрсатиб, ўйма-ўй изувчилар ураб турибди. Улар болаларининг тури кўп: бири «ўйим ёниб кетди, пул беринг» деса, бирови — «Онам бетаб, дорига пул керак» дейди. Баҳонанинг турли-турлисидадан фойдаланиш ўринга ҳунарнинг, меҳнатнинг турларидан ўринли ва унумли фойдаланиши бўлмайдими?! Тушунмайман. Тушунмайман?! Хар ҳолда ўшадай кимсаларга нисбатан ачинмиш туйғуси менда мутлақо йўқ. Сизларда-чи?

— Майли-майли, ҳечқиси йўқ, келин. Хом сўт эмган бандамиз, ҳаммамиз ҳам адашамиз. Аммо озгина пул берсангиз кифоя. Қўшиларингиз ҳам барака топишини, мана қанча пул беришди.

У чўнтағидан даста-даста пуллари чиқариб кўрсатди. — Мана, шунча ёрдам қилишибди. Нима қиласиз тагин сўраб... Анча пул-ку булар!

— Э, ўнта болага бу пул урвоқ ■ Замира ЭГАМБЕРДИЕВА

«МЕНИ БОШҚАЧА ДЕБ ЎЙЛАМАНГ»

либ... пул йиғиб юривдим. Агар ишонмасангиз, мана, паспортимни ҳам кўрсатишим мумкин. — Йўқ-йўқ, амаки. Мен сизга ишоняман. Лекин уйда ҳозир ойим ҳам, адам ҳам йўқлар. Ушан-чун сизга ҳозир пул обичи-ки беролмайман. — Майли-майли, ҳечқиси йўқ, Пул бўлмаса, егулик нарсалар ҳам бўлаверади. — Киз уйдан ярим кило келар-келмас жийда кўтариб чиқиб, халиги «қўп болали ота»га узатади. Меҳмон бошини сарак-сарак қилиб, истеҳзоли тиржайди: — Қизим, нима бало, ўйларингизда шундан бошқа дурустрок нарсa топиладими-а?.. Одам бунчалик қурумсоқ бўлмайдиди-да! Кутилмаган «меҳмон» қизчаларнинг таъбини хира қилиб хассасини лиқиллатганича зинадан тушиб кетади. Бу воқеани ишдан келишим билан қизларим қуйиб-пишиб айтиб беришганда, негадир жуда қўрқиб кетдим. Бу кутилмаган «меҳмон» ким бўлдийкин деб, қўнгим минг бир қўчага кирди. Ораддан бир неча кун ўтар-ўтмай эшик кўнгиروي жиринглади. Дам олиш кун эди. Эшикни ўзим очдим. Қарасам, қизларим тасвирлаган халиги одам. Дарров танидим. Енида ўғилчаси, қўлида хассаси. — Келин, сиз мен ҳақимда бошқача хаблға борманг. Мен... У яна ўша дийдёмсини бошламоқчи эди, гапини шартта



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Subscription form for 'Ўзбекистон Овози' newspaper. Includes fields for name, address, phone, and a table for subscription rates for 2002.

Advertisement for 'Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси' (O'zbekiston Xalq Demokratik Partiyasi). Includes contact information, address, and a list of regional branches.